

ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРНИНГ  
РУҲИЯТГА ОИД БИОЭНЕРГЕТИК БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
ПСИХО – ФИЗОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Махлиё Хайдарова

Низомий номли ТДПУ тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10971219>

*Аннотация.* Мазкур мақолада тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларнинг руҳиятга оид биоэнергетик билимлардан фойдаланиш психо – физиологик хусусиятлари масалалари ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* Экзобиологик майдон, генлар, супергенлар, аксион газлар, биоэнергетик майдон, квант.

PSYCHO-PHYSIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE USE OF BIOENERGETIC  
KNOWLEDGE OF THE PSYCHE OF STUDENTS OF HIGHER MEDICAL  
EDUCATIONAL INSTITUTIONS

*Abstract.* In this article, the issues of psycho-physiological characteristics of the use of bioenergetic knowledge of the psyche of students of medical institutions of higher education are highlighted.


*Key words:* Exobiological field, genes, supergenes, action gases, bioenergetic field, quantum.

ПСИХОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ  
БИОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ О ПСИХИКЕ СТУДЕНТОВ ВЫСШИХ  
МЕДИЦИНСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

*Аннотация.* В данной статье освещены вопросы психофизиологических особенностей использования биоэнергетических знаний, связанных с психикой студентов медицинских учреждений высшего образования.

*Ключевые слова:* Экзобиологическое поле, гены, супергены, действие газов, биоэнергетическое поле, квант.

Инсон жуда кўп фанларнинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ушбу фанлар бир объектни ўрганар экан ўзаро мустақкам алоқа боғлаши талаб этилади. Чунки ҳар бир инсон ҳақидаги янги маълумот ушбу фанларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топади. Педагогика фани ҳам ўз тадқиқотларини олиб борар экан албатта, инсонни ўрганувчи турли соҳаларнинг янги кашфиётларини инobatта олиши ва уларга асосланиши лозим.



#### Инсонни ўрганувчи фанлар.

Инсон табиатнинг энг мукаммал ва шу билан бирга энг мураккаб ҳосилоти бўлганлигидан уни жуда кўп фанлар маълум бир қисмини ўрганади. Психология, педагогика, физиология, анатомия, биология, тиббиёт ва бошқа кўплаб фан олимлари ўз йўналиши бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борадилар. Аммо ана шу фанларнинг барчаси битта, яхлит, ўзаро мустаҳкам ва мураккаб боғлиқликларга эга бўлган ягона организмни ўрганаётганлиги баъзан эътибормиздан четда қолади. Ўрганиш объекти битта бўлган фанларнинг илмий-тадқиқотлари фақат ўз йўналиши билан чегараланиб қолиши, фаннинг кейинги ривожига баъзан жиддий зарар етказиши мумкин. Агар тиббиёт фақат танани даволаш билан чекланса, психология психик хусусиятларни физиологик жараёнлардан ажратган ҳолда тадқиқ этса, педагогик жараёнда физиологик, биологик хусусиятлар ҳисобга олинмаса, илмий-тадқиқот натижаларининг самарадорлиги пасаяди.

Бу фанда тор маънодаги бир ёклама ёндашувни ривожлантиради ва самарадорликни чеклаб қўяди. Ҳар бир фанни ривожланиш йўли маълум босқичда интеграция жараёнини талаб этади. Ана шу босқичда интеграция илмий-тадқиқотлар доирасини кенгайтиришга, янги қонуниятларни, янги ёндошувларни вужудга келишига ёрдам беради. Бизнинг фикримизча психология фанини ривожланишида ҳам ана шундай босқичга кўтарилиш вақти келди. Интеграцион жараён психология фанини кейинги ривожини жадаллаштиришга, илмий-тадқиқотларнинг қамровини оширишга ва янгидан-янги кашфиётларни вужудга келишига тўртки бўлади.

1957 йили хитойлик шифокор, инженер ва тадқиқотчи Дзян Каньджен ген биомайдонини ўрганиш учун аппарат ишлаб чиқди. Бу аппарат донор бўлмиш биосистемадан супергенетик тўлқинни қабул қилиш ва масофадан туриб акцептор организмга ўтказиш хусусиятига эга эди. Ана шу аппаратдан фойдаланган ҳолда Дзян Каньджен ген биомайдонига масофадан туриб таъсир ўтказиш натижасида гибрид организмларни олишга муваффақ бўлди. Бу тадқиқот 1920–30 йилларда рус олимлари Л.Г.Гурвич ва А.А.Любишевларнинг илмий фаразларини тасдиқлади. Улар ўз фаразларида

организмнинг генетик аппарати нафақат моддий жиҳатдан, балки биомайдон даражасида ҳам ахборотни узатиш имконига эга. Бу жараён электромагнит ва акустик тўлқинлар иштирокида боради деган фикрни олдинга сурган. Рус биологи Ю.Г. Симаков ахборотлар майдони назариясини ишлаб чиқди. А.Г. Гурвич биологик майдон назарияси ҳақида сўз юритар экан, бу майдоннинг физик хусусиятларига эътибор қаратади. 60-йиллардан бошлаб Новосибирскда академик В.П.Казначеев томонидан Гурвич-Любишев-ларнинг фаразларини тасдиқловчи тадқиқотлар ўтказилди. Бу тадқиқотларда (зеркальный циплопатический эффект) хужайралар кварцли ойна билан ажратиб қўйилган ҳолда ахборотлар биомайдон тўлқинлари орқали алмашилишини гувоҳи бўлди. Эндиликда хромасома ва ДНКни нафақат моддий тузилма сифатида, балки биомайдон тузилмасини ҳам ўрганиш эҳтиёжи туғилди.

П.П.Гаряев, А.А.Березин, А.А.Васильев каби олимлар организм геномини биологикалик «компьютер» сифатида ўргана бошладилар. Уларнинг фикрича биологикалик организмнинг макон ва вақтдаги тузилишини шакллантиради. Яхши ўрганилган ва оксил ҳосил бўлишида иштирок этувчи генлар ДНК массасининг фақат 1 %ини эгаллайди ва моддий ҳосилотларнинг вужудга келишида фаол иштирок этади. 99 %и эса «интеллектуал» тузилишга эга бўлиб, идеал тўлқинли даражада иш олиб боради (нозик материя даражаси). Уларни П.П.Гаряев «супергеноконтинум» деб атади. Айнан шу тузилмалар инсонни, ҳайвонларни ва ўсимликларни табиий ривожланишини таъминлайди. Генлар РНК ва оксил сифатидаги матрицаларни ҳосил қилса, супергенлар ташқи ҳамда ички биомайдон тўлқинларини қабул қилади ва ўзлаштиради<sup>1</sup>.

Россия Фанлар Академияси Квант генетикаси институтининг назарий муаммолар бўлими ҳозирда супергенетик ахборотлар табиатини, масофали ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёнини ўрганар экан, ерда ҳаётнинг келиб чиқиши, инсоннинг пайдо бўлиши, генетик аппаратнинг ишлаши ҳақидаги янгидан-янги тасаввурлар, хулосалар илм-фаннинг кейинги ривожда кескин бурилишлар ва ўзгаришларни тақозо этмоқда.

Квант генетикаси институти ходимларининг ўтказётган тажрибалари геном биомайдонини ташқи ахборотлар таъсирдан ажратиб қўйилган ҳолда (изоляция ҳолати) организмнинг ўз-ўзини ривожлантириш дастурини тўлақонли ишлай олмаслигини кўрсатди.<sup>2</sup> Ташқи табиий биомайдоннинг ахборотларни ўзгартириб, бузиб таъсир ўтказиш ҳам эмбрионда салбий ўзгаришларни вужудга келтириши, баъзан эса бутунлай нобуд этиши аниқланди. Демак, организмнинг тўлақонли гармоник ривожланиши учун генетик

<sup>1</sup> П.П.Гаряев, И.В.Прангишвили, Г.Г.Тертышный, Е.А.Леонова, А.В.Мологин. Генетические структуры как источник и приёмник голографической информации. Датчики и системы, №2, 2000. – С 3-8.

<sup>2</sup> П.П.Гаряев. Волновой геном. М.: Общ. Польза. 1994. –С. 264–270.

тузилмаларнинг экзобиологик майдон билан боғлиқ бўлиши яшашнинг зарурий шартларидан бири экан. Чунки экзобиологик майдон сигналлари организмга қўшимча, баъзан эса асосий ахборот етказувчи манбаа бўлиб ҳисобланади.

ДНК суюқ кристалл ҳолатида экзобиологик майдон ахборотини антенна сингари қабул қилиш ва ўзлаштириш хусусиятига эга дейди—П. П.Гаряев. Бу фикрни корреляцион лазерли спектроскопия тўлиқ тасдиқлади.<sup>3</sup>

ДНК молекуласини тўлқин таратиш жараёнини физик-математик модели ҳам яратилди. Умуман экзобиологик тўлқинлар биосистеманинг суюқ муҳити, оксил, генетик тузилмаларининг барчасига ўз таъсирини ўтказди. Организмнинг ҳар бир нуқтаси биоахборот майдонининг манбаи ҳисобланади ва шу билан бир қаторда экзобиологик майдон тўлқин-ларининг таъсирида бўлади. Ер юзидаги барча организмлар табиий ва сунъий электромагнит ва акустик майдонлар билан ўзаро алоқада бўлиши ҳам аниқланган<sup>4</sup>.

Қадимдан маълумки, она заминдаги фойдали қазилмаларни, ер ости сувларини аниқлашда инсон ўз сезги қобилиятидан фойдаланган. Ана шундай қобилиятга эга одамларни ҳозирги даврда биолокация операторлари деб атайдилар. Ҳозирги вақтда маълум бўлган барча элементар зарралар, уларнинг бир-бирига айланиши, улар орасидаги ҳар хил реакциялар, улардан ташкил топган объектлар жумладан, Олам ва унинг эволюцияси, уни ташкил этган юлдузлар ва галлактикаларнинг ҳаракати — буларнинг ҳаммаси тўртта асосий (фундаментал) ўзаро таъсир гравитация, электромагнит, заиф (кучсиз) ва кучли ўзаро таъсир орқали бошқарилади<sup>5</sup>.

Жумладан, элементар заррачалар физикаси кейинги даврларда шундай янгиликлар кашф этмоқдаки, улардан бири материянинг ўта енгил заиф таъсир кўрсатувчи заррачалар-аксионларни ўрганиш билан боғлиқ. Аксион концепцияси замонавий физика ривожланиши оқибатида юзага келди. 1977 йили Печчеи ва Куинн, 1978 йили Вайнберглар массалари 10 (-5) эвдан 0,1 эвгача-10(-14) кг-10 (-37); 10 (-11) ме-10 (-7)ме бўлган аксионлар заиф ўзаро таъсир кўрсатувчи ўта енгил жисмларни элементар жисмлар физикасига киритдилар.

Шуниси қизиқарлики, бу иш Н.И.Кобзевнинг фикрлаш ва ахборот жараёнлари термодинамикаси бўйича иши билан бир вақтга тўғри келди. Улар биргаликда шундай фикрга келдилар: психиканинг моддий асоси зарралари 10 (-7)ме га тенг бўлган газ бўлиши керак.

1980 йилда ўтказилган тажрибалар буни тасдиқлади. Бу тажрибалар аксион

<sup>3</sup> П. П.Гаряев, И.В.Прангишвили, Г.Г.Тертышный, Е.А.Леонова, А.В.Мологин. Генетические структуры как источник и приёмник голографической информации. Датчики и системы, №2, 2000. —С. 3-8.

<sup>4</sup> Д.Бом. «Квантовая теория». Пер. с англ. Л.А.Шубиной.М.: «Наука». — 1965.—С. 107 .

<sup>5</sup> А.Бойдедаев. Табиат кучлари ва олам эволюцияси. Т. «Ўқитувчи», 1996.— 3–5 бетлар.

концепцияни асослади (жонли ва жонсиз объектлар майдонларини биолокация операторларининг текширишлари., айланма тарозилар билан олиб борилган тажрибалар.)

Бу тажрибаларнинг натижалари қуйидагича бўлди: биолокация оператори жонли ва жонсиз объектлар атрофида алоҳида физик майдонлар мавжудлигини аниқладилар. Бу майдонларни ўрганиш натижасида биомайдоннинг шундай хусусиятлари аниқланди:

➤ Майдон зонали тузилиши, яъни объектни аниқ қайд этиши маълум зоналарда содир бўлади.

➤ Бу майдонлар импульсив табиатга эга. Шу нарса маълум бўлдики, аксионлар фотонларга бўлинар экан. Тўлқин узунлиги спектри СВЧ дан то юмшоқ рентгенгача (мягкий рентген).

Буларга миллиметрли инфрақизил, ультрафиолетли диапазонлар киради. Агар ривожланган давлатларда аксионларнинг фотонга ажралиш жараёни назарий жиҳатдан 1983 йили эндигина ўрганила бошлаган бўлса, 1981 йили Россияда тажрибалар авж олиб аксионлардан ёнилғи сифатида фойдаланувчи энергия қурилмасини макети яратилган эди. Бу жараённинг акси ҳам содир бўлиши мумкин, яъни фотонлардан аксионлар ташкил топиши мумкин. Биринчи ҳолда парчаланиш жараёнида иссиқлик ортиб борса, иккинчи ҳолда, ташкил топиш вақтида ҳарорат пасайиб боради. Аксион концепциясига биноан биологик тизимлардаги баъзи жараёнлар, мунтазамлиги, даврийлиги, ташкилийлиги ва тузилиши аксионлар билан белгиланади. Бу зарраларнинг газдаги тебранишлари биообъектлардаги генетик ва эпигенетик субстратларда автотўлқинларни келтириб чиқаради.

Кучсиз майдонли квантлар ва аксионларни ўтиб бориш қобилияти (проникающая способность) деярли чекланмаган. Бу эса турли хил тизимларда (қаттиқ, суюқ, газ ҳолатида) жисм элементларини тизимли синхронлаштиришни бемалол амалга ошириш имконини беради. Аксион газлардаги тўлқинлари секин ўчиб боровчи бўлгани сабабли жонли тизим биоструктураси узоқ яшовчи 1 минутдан 1 неча йилгача автотўлқин жараёнининг ҳолати кўринишидаги хотирага эга бўлади. ДНК фаолияти когерент нурланиш манбаи вазифасини бажариши ва голографик ёзиб олиш учун субстракт бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ана шу голограмма жонли жонсиз атроф-муҳит тузилиши, эволюцияси, вазифаси ҳақидаги маълумотга эга бўлади - деган концепцияни олимлар тан олмоқдалар. ДНК тузилишида организм макротузилиши ҳақида маълумот йўқ. У голографик ( биомайдонда) кўринишда бўлади. Морфогенез жараёнида майдон тасвири хромосомалар суюқ кристалл босқичидаёқ ёзиб олинади. Шу тариқа организм ташқи муҳитга мослашиб боради. Демак, ДНК тузилишига ўзгартиришлар киритиш йўли билан

(мутация) голограммдан ахборотни олиш жараёнини ўзгаришга сабаб бўлиш мумкин. Н.И.Вавилов фикрича, бу жараённи аксинча ҳам бажариш мумкин, яъни голограммани электромагнит ва аксион майдонлари таъсирида ўзгартириш йўли билан ДНК тузилишига ўзгартиришлар киритиш мумкин. Чунки хужайранинг аксион тузилиши унинг ДНКсига автотўлқинлар орқали таъсир кўрсатиб, унда фотонларнинг жамланиши, тўлқин узунлиги характери ҳамда ДНК-лазер (амплитудаси ва шу кабилар) нурланиши характеристикаларини юзага келтиради. Демак, маълум автотўлқинга мос келувчи голограммдангина ахборот олиниши мумкин. Дастлабки босқичда хужайраларнинг бўлинишида дифференциация (табақаланиш) кузатилмайди. Ҳар бир хужайра ва уларнинг йиғиндиси макроквант тизими сифатида ташкиллашади ва улар маълум даражадаги кучсиз энергетикага мос келади. Алоҳида хужайралар қуввати маълум миқдордан ошиб кетганда кучсиз қувватдан янги қувват даражасига ўтиш содир бўлади. Эндиликда бу хужайраларга аксионларнинг бошқа ҳолатлари мос келади. Бунинг натижасида автотўлқинли жараёнлар ҳам ДНК-лазер нурланиш характеристикаси ҳам ўзгаради, демак, ўқиладиган голограмма ҳам шу билан бирга аксион майдон билан боғлиқ бошқарув жараёнлари ҳам ўзгаради. Шу тариқа керакли ферментлар синтез қилинади. Структуралаштирилган аксион майдонлар морфогенез учун зарур бўлган кучлар таркибига ҳам эга. Биогенезга антропоген кучларининг таъсир этиши ҳам унинг қувват даражасини ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бу ўз навбатида тур ҳосил бўлишида, популяцияларни йўқолиб кетишида, ценозларнинг ҳалокатида намоён бўлади. Айниқса бу ҳодиса ценозларнинг аксионларини бузилиш жараёнида сезиларли бўлади. Биосферани электромагнит нурланиш билан ифлослантириб инсоният морфогенез ҳолатида голограммаларнинг ахборот бериш тартибини бузилишига сабаб бўлмоқда ҳамда ДНК мутацияларини юзага келтириб, онкологик тузилмаларни ҳосил бўлишига олиб келади. Инсоният бугунги кунда аксион босқичига (балки янги бир даврга) кириб борар экан жуда эҳтиётлик билан фаолият олиб бориши керак. Бу борада иш олиб бораётган давлатлар (Россия, АҚШ, Франция, Англия, Япония) аксион техникалар яратиш жараёнида материянинг нозик кучлари билан иш олиб бораётганликларини ёдда тутишлари лозим. Акс ҳолда аксион муҳитини бузилиши нафақат инсон психикаси, саломатлигини, балки бутун жонли организмларнинг ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин.

Инсоният «НОО» сфера босқичига кириб келар экан, нозик тузилмалар билан муносабатга киришар экан, юксак ахлоқийликка асосланган ҳолда фаолият кўрсатиши зарур. Акс ҳолда қайта тиклаб бўлмас даражадаги мутациялар вужудга келиши мумкин.

Ҳозирда турли соҳаларда бир типдаги фазовий тузилмаларнинг тебраниш жараёнлари, электромагнит квантларини тарқалиши, ютилиши билан боғлиқ жараёнларни

ўрганувчи астрофизика, каттик жисмлар физикаси, биофизика, геофизика, ядро физикасида ўтказилган кўплаб тажрибалардан олинган маълумотлар тизимлаштирилди. Ҳозирги даврга келиб аксион газлар ҳақида кўплаб маълумотлар тўпланган:

–аксион газ нейтрал ва қўзғалишли ҳолатида (кучсиз зарядли) каттик, суюқ, газ ҳолатидаги жисмларда, Ернинг ҳамма муҳитида мавжуд бўлиб, ҳатто Космосга ҳам кириб борган;

–бир тартибли муҳитда ва Космосда бу газ сфероид шаклидаги кластер тузилмаларни ташкил этади, бошқа каттик жисмлар атрофида эса кўп қаватли кластер структураларни ташкил этади. Шу билан бирга аксионлар массаси жисмдаги кимёвий элементлар массасига тўғри пропорционалдир;

–аксион газ кластер тузилмалари ҳаракатчан хусусиятга эга;

–аксионлар атом ва ядро таркибига киради.

Унинг хусусиятлари:

1. Ҳаракатлантирилган аксионлар жисмнинг эркин ва боғланган электрон ва нуклонлари билан ўзаро таъсирга киришади, бу эса унинг электромагнит ва механик характеристикаларини ўзгаришига олиб келади (диэлектрик ва магнит ўтказувчанлигини, мустаҳкамлиги ва бошқалар).

2. Қўзғалган муҳитда аксион газ кучсиз магнит ва электр майдонларини индуктивлаштиради, жонли тизимларда эса биохимик жараёнлар тезлигига таъсир кўрсатади.

3. Аксион газларда кўндаланг тўлқинлар тарқалиб уларнинг тезлиги

30 км/сек ва кириб бориш (проницаемость) нинг катта чуқурлигига эга.

4. Аксионларнинг шундай турлари борки, улар фотонларга парчалана олади.

5. Атом ва молекулаларда электронларни ўтиши кучсиз квантлар нурланиши таъсирида бўлади.

6. Тажрибалар асосида аксионларнинг нуклон ва электронларга айланиш ҳолатлари тасдиқланган.

7. Аксион майдони жисмларнинг ўзаро тортишиш кучига таъсир кўрсатади.

8. Аксион газлар психиканинг материал асоси бўлиб, биосферада ташкилланиш ва синхронлашиш жараёнларини белгилайди.

Шу тариқа биз эндиликда аниқлаб олдикки, аксион газлар ердаги ҳамма физикавий ва кимёвий жараёнларнинг фаол иштирокчиси экан. У биологик объектларнинг бир қатор хусусиятларини белгилар экан. Аксион концепциясини ривожланиши нафақат телекинез, телепатия, ливитация трансмутация каби бир қатор биоэнергетик нодир ҳодисаларни

тушунтириб беради, балки ажойиб техник воситалар яратиш имконини ҳам очиб бермоқда.

Бугунги кунда инсон онги маълум даражада кенгайди ва фикрлаш жараёнининг характери ҳам ўзгарди. Инсоннинг фикрлаш жараёни ва унинг характери жамият ривожига катта аҳамият касб этади. Чунки айнан фикрлаш фаолияти инсонни ҳаракатга ундайди. Фикрлаш жараёни қанчалик тўғри, ҳақиқатга яқин ва мантиқий бўлса, бизнинг амалий хатти-ҳаракатларимиз ҳам шунчалик самарали натижа беради. Инсон фикри жуда катта кучга эга ҳосилот бўлганлигидан унга алоҳида эътибор қаратиш, уни ўрганиш ва тўғри қўллай билиш талаб этилади. Биз атроф-оламни, бутун борликни идрок қилиш орқали қабул қиламиз, идрок эса фикрлашга асос бўлиб хизмат қилади. Фикрлаш эса аслида инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Инсон фикрлари жойлашган макон бўлмиш мия организмда «Ядро реактори» вазифасини бажарувчи катта қувват манбаидир. У ўз ичида шундай катта қувват сақлайдики, бу қувват мия ҳалок бўлаётган вақтда йўналтирилган ҳолатда нурланишни ҳосил қилади.

Бу ҳақда Савелий Кашницкий «Ўлим бу – ядро портлашидир» деган мақоласида шундай баён этади<sup>6</sup>. Биринчи тиббиёт институтининг лабораториясида олиб борилган тиббий-биологик тажрибалар шуни тасдиқладики, мияда жуда катта қувват тўпланиб туради ва жонсиз ҳолатга ўтаётганда бу катта қувват атрофга сочилиб мия зарядсизланар экан. Тажибада қуённинг атрофига стаканларда оч сариқ рангдаги индикаторлар қўйилиб, унинг бўйин умуртқа поғонаси узилади. Йигирма минут давомида стакандаги индикаторларнинг ранги ўзгара боради. Бош тарафдаги ва думғаза тарафида турган стаканлардаги суюқлик тўқ қизил рангга киради. Уларнинг ёнидаги стаканлардаги суюқликлар қизил ва оч қизил рангга ҳамда янада узоқроқда турган стакандаги суюқлик эса ўз рангини ўзгартирмайди. Бу тажиба мия зарядсизланаётганда миядан йўналтирилган ҳолда протонларнинг отилиб чиқиб стакандаги суюқликка ўтишини кўрсатади. Қанчалик организм катта бўлса, шунчалик миянинг зарядсизланиш вақти узаяди. Тирик организм мияси эса зарядланган ҳолда бўлиб, катта қувватни ўзида мужассамлаштиради. Ана шу қувват бизнинг фикрларимизда ҳам ўз аксини топади.

Аммо фикр ҳақидаги маълумот ушбу билимлар билан чегараланиб қолмайди. Фикрлаш жараёнининг хусусиятларини биология, биофизика, биоэнергетика фанлари ҳам ўрганмоқда. Масалан, биоэнергетика фани фикрлаш жараёнини ўрганар экан, унинг маълум қувватга эга эканлигини ва мия ўзидан турлича квант тўлқинларини тарқатиб туришини таъкидламоқда.

Ана шу квант тўлқинларининг қуввати турли хил фикрларда турлича намоён

<sup>6</sup> Савелий Кашницкий. Смерть это ядерный взрыв. Огонёк. 08.02.2003. – С. 4.



бўлишини ва турлича таассуротларни вужудга келтиришини ўрганмоқда. Инсон миясида вужудга келаётган фикрларни махсус асбоб билан ёзиб олиб, расмга туширилган мураккаб чизиқли изларни таҳлил этиш ҳам, фикрларнинг қуввати ва таъсири, ҳатто чизиқларда кўриниши бир хил эмаслигини кўрсатади. Қатъий, ишончли фикрларнинг излари чуқур ва аниқ бўлса, кучсиз фикрларнинг излари саёз эканлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Инсон миясида вужудга келган фикрлар ҳукм ва хулосаларга айланар экан ўз қувватини ана шу кўринишга ўтказди. Биз яхши биламизки, бордан йўқ бўлмади, йўқдан бор бўлмади. Фақат нарса, ҳодиса ёки қувват бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиши мумкин. Демак, биз кўриб чиқаётган ҳолда ҳам шу ҳодиса юз беради, яъни фикр қуввати ҳукм, хулосаларга ёки сўзга ўтади. Демак, хулоса қилиб айтганда бизнинг ҳукм, хулосаларимиз ва сўзларимиз биофизик нуқтаи назардан қараганда ўзида маълум қувватни мужассамлаштирган дастурлар экан.

Ҳозирги даврда инсонни ва асосан ёшларни тўғри яшашга, тўғри фикр юритишга, тўғри ҳис этишга ким ўргатиши керак? Ким ва қайси фан бу масалалар билан шуғулланмоқда? Нима учун психология фанификр тарбияси, ҳис-туйғулар тарбияси борасида асосли илмий-тадқиқот ишлари олиб бормаяпти, бу борада тарбия методларини ишлаб чиқмаяпти? Психология фанида бу йўналишда маълум тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Биз олийгоҳларда талабаларни тўғри ҳис этишга ва фикр юритишга керакли даражада ўргатмаймиз. Ҳозирда ҳар бир инсон бу масалаларни ўзи учун ўзи ҳал этмоқда. Баъзан онгли, баъзан эса онгсиз равишда маълум йўналиш танланади. Бу йўналиш талабаларнинг кейинги ҳаётида ўзини қандай акс эттириши ҳам номаълум. Талабалар қандай ҳиссиётлар фойдали ёки зиён, келажакда салбий ҳиссиётлардан қандай қутулиш керак ва нима учун қутулиш керак эканлигини тасаввур қила олмайдилар. Улар ўз ҳиссиётларини ривожланишини назорат ҳам қилмайдилар. Бу жараёни кўпгина талабалар ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Ҳатто, катта одамлар ҳам ўз ҳиссиётлари ҳақида кам гапирадилар. Бундай шарт-шароитда ёшлар қандай қилиб комилликка интила оладилар?

Мана шу мулоҳазалар бизни ҳис-туйғуларнинг аҳамиятини илмий жиҳатдан таҳлил этишга ундади. Биз ўз маърузаларимизда талабаларга ахлоқий ҳис-туйғуларнинг инсон организмга қандай таъсир кўрсатишини ва ҳиссиётлар ахлоқига амал қилмаслик натижасида қандай ҳолатлар вужудга келиши мумкинлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари, биз талабаларга ўзларида ахлоқий ҳисларни қандай қилиб ривожлан-тиришларини ва салбий ҳиссиётлар билан қандай қарши курашиш йўллари белгилаб беришга ҳаракат қилдик. Бизнинг асосий мақсадимиз талабаларда ахлоқий ҳиссиётларга нисбатан тўғри, илмий муносабатни тарбиялаш бўлди.

## REFERENCES

1. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2022. - 06/22/60/0082-сон. Б. 47.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Халқ сўзи” газетаси, 2020., 24 сентябр, 202 (7704)-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, “Халқ сўзи” газетаси, 2019., 9 октябрь, 209(7439)-сон.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. т.1. -Т.: Ўзбекистон. 1996. -364 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000. – 110 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017.-592 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2019.-400 б.
8. Абу Али ибн Синонинг моғлиқни сақлашга доир рисоалари. /таржимон У.И.Каримов.–Т.: Фан .1978 . – 132 б.
9. Асадов Ю.М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Ташкент: «НУУз», 2007. - 25 с.
10. Бойдедаев А. Табиат кучлари ва олам эволюцияси. –Т.:1996.-105 б.
11. Бердяев Н. А. Самопознание: монография - Москва, Берлин: Директ-Медиа, 2016
12. Бодалёв А.А. Восприятие и понимание человека человеком. М.:Издательство МГУ. 1997. –199 с.
13. Брунер Джон. Психология познания / Джон Брунер. -М.: Директмедиа Пблишинг, 2008. -782с.
14. Гальперин П.Я. Введение в психологию: Учебное пособие для вузов. -М.: Книжный дом «Университет», -1999. -332с.
15. Гозман Л.Я. Психология эмоциональных отношений.–М.:Наука.1987.–167 с.
16. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси/ Дорилфунун талабалари учун қўлланма.- Т.:Ўқитувчи., 1990.-Б.184.
17. Доброхотова Т.А. Нейропсихиатрия. – М.: Издательство БИНОМ, 2006. – 304 с.

18. Додонов Б.И. Эмоция как ценность. – М.: Политиздат, 1987. – 272 с.
19. Джалилова С.Х. Психологические особенности личностной профессионализации студентов педагогического вуза: Дис. ... канд. психол. наук. - Ташкент: «ТГПУ», 1994. - 134 с.
20. Долныкова А.А., Чудова А.Н. Психологические особенности суперпрограммистов // Психологический журнал, т.18, 2001 - С.12-20.
21. Капланова М. Психологические особенности личности учителя узбекской школы: Дис....канд. психол. наук.-Ташкент: «ТГПИ», 1993. -137 с.
22. Лурия А.Р. Основы нейропсихологии. – М.: «Академия», 2006. – 384 с.
23. Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни шакллантиришнинг психологик асослари: Псих.фан.док. ... дис. – Т., 2005.– 391 б.
24. Печуркин Н.С. Энергетические аспекты развития надорганизменных систем. Новосибирск: Наука. 1982 – 156 с.
25. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. СПб.: ЗАО «Издательство «Питер», 1999. - 720 с.
26. Янковская М.Г. Эмоциональные аспекты нравственного воспитания. – М.: Просвещение. 1986. – 160 с.
27. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Тошкент.: Ўқитувчи. 1990. – 184 б.